

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ХІХ АСР АФҒОНИСТОНДА РУС ЭЛЧИЛАРИ ВА ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ

Рискулов Шохжаҳон Нормахаматович,
Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани
43-ўрта мактаб ўқитувчи

For citation: Shohdzhahon N.Riskulov. Russian ambassadors and expeditions in the 19th century in Afghanistan. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 54-63.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-08>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрда Афғонистон ҳудудига юборилган рус элчилари ва миссияларининг мақсадлари, уларнинг минтақада амалга оширган геосиёсий мақсадлардаги фаолиятлари, Афғонистоннинг давлат тузими, бошқарув шакли, қўшни давлатлар билан муносабатлари, Афғонистоннинг топографияси, афғон халқининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, миллатлар ранг-баранглиги, бу даврнинг ўзига хос хусусияти баён қилинади.

Шунингдек, элчилар ва экспедиция вакиллариининг нашриётда эълон қилинган ҳисоботлари, хабарлари, маълумотлари, мемуар асарлари тўғрисида маълумот берилади. Россия ва Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг тарихий илдизлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Афғонистон, афғон халқи, геосиёсий, элчилар - Богдан Асланов, И.В.Виткевич, экспедициялар, Н.В.Ханыков, Н.Г.Столетов, Н.И.Гродеков, Л.Г.Корнилов, Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1773), Дўст-Муҳаммадшоҳ.

РУССКИЕ ПОСЛЫ И ЭКСПЕДИЦИИ В XIX ВЕКЕ В АФГАНИСТАНЕ

Рискулов Шохджахон Нормахаматович,
учитель средней школы №43
Куйичирчикский район Ташкентской области

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье рассматриваются цели и задачи русских посольств и экспедиций в Афганистан в XIX веке. Даются сведения об их деятельности в области геополитики, государственном устройстве, государственном управлении, взаимоотношениях с сопредельными странами, социально-экономической жизни населения. Изучаются топография Афганистана, политическое, экономическое и социальное положение афганского народа, быт, традиции, жизненные условия, национально-этническое разнообразие, особенности этого периода.

А также, приводятся сведения об опубликованных в печати отчетах, сведениях, трудах представителей посольств и экспедиций. Рассматриваются исторические корни торгово-экономических и политических отношений между Россией и Афганистаном.

Ключевые слова: Афганистан, афганский народ, геополитика, послы - Богдан Асланов, И.В. Виткевич, экспедиции, Н.В. Ханыков, Н.Г. Столетов, Н.И. Гродеков, Л.Г. Корнилов, Ахмадшох Дуррани (1747-1773), Дуст Мухаммед.

RUSSIAN AMBASSADORS AND EXPEDITIONS IN THE 19TH CENTURY IN AFGHANISTAN

Shohdzhahon N. Riskulov,
secondary school teacher №43
Kuyichirchik district Tashkent region

ANNOTATION

This article describes Russian ambassadors and missions sent to Afghanistan in the 19th century, their geopolitical objectives in the region, the state structure of Afghanistan, its relationship with neighboring countries, the topography of Afghanistan, the economic political and social status, customs, traditions, way of life, diversity of nations, characteristic of this period. Reports in publishing by ambassadors and expedition of

representatives reports, news, information, about work of memoirs. The historical roots of trade, economic and political relations between Russia and Afghanistan will be discussed.

Key words: Afghanistan, Afghan people, geopolitical, ambassadors - Bogdan Aslanov, I.V.Vitkevich, expeditions, N.V.Khanykov, N.G.Stoletov, N.I.Grodekov, L.G.Kornilov, Ahmadshoh Durrani (1747-1773)), Dust-Muhammadshoh.

Афғонистон ҳудудини тадқиқ этиш Россияда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, бу ҳудудни ўрганиш ишлари XIX асрдан кучайди. Афғонистонда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари билан бир қаторда Россия ва Буюк Британия ўзининг сиёсий мақсадларини ҳам кўзлаган. XIX асрда Афғонистонга юборилган деярли барча экспедицияларнинг асосий мақсади бу ҳудудларни геополитик нуқтаи назардан ўрганиш бўлган, шу сабабдан юборилган тадқиқотчилар асосан ҳарбий шарқшунослардан иборат бўлган. Шунга қарамасдан улар тўплаган маълумотлар тарихий нуқтаи назардан ҳам катта қизиқиш уйғотган. Жумладан, россиялик тадқиқотчилар томонидан қўлга киритилган Афғонистоннинг географик жойлашуви, афғон халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, миллатлар ранг баранглиги, ижтимоий шароитлари тўғрисидаги маълумотлар бугунги кунда ҳам бебаҳо саналади [1, Б.6].

Шуни таъкидлаш ўринлики, нашриётда эълон қилинган ҳисоботлар, хабарлар, маълумотлар, мемуар асарлар ҳарбий тадқиқотчиларга тегишли эди. Афғонистон ҳудудига Британия ва Россиянинг қизиқиши дастлаб савдо ва иқтисодий мақсадларни кўзлаган эди. Маълумки Россия ва Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқалар XV-XVI асрларга бориб тақалади. Бу ҳақида дастлабки маълумотларни ўрта аср тарихчиси Абдураззоқ Самарқандийнинг аса-рида ҳам учратиш мумкин. Унинг таъкидлашича, рус элчилари 1464 йилда Темурийлар ҳукмрон бўлган Ҳирот шаҳрига келганлигини билдиради [2, Б.10]. XVIII асргача Россиянинг бу ҳудудга бўлган қизиқиши асосан савдо ва иқтисодий аҳамият касб этиб, кўплаб юборилган савдогарларнинг асосий мақсади Афғонистон орқали Ҳиндистонга қулай ва хавфсиз бўлган карвон йўлларини топишдан иборат эди. Император Пётр I (1689-1725) давридан бошлаб Афғонистон ва афғон халқи тўғрисида мунтазам маълумотлар йиғила бошланди [3, Б.28]. Бу маълумотлар XVIII аср рус архив хужжатларида сақланмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Россия ва Афғонистон ўртасидаги савдо алоқалари асосан Хива ва Бухоролик савдогарлар орқали амалга оширилган.

1764 йилда афғон давлати асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1773) саройига рус армияси капитани Богдан Асланов юборилади. У Афғонистон ҳукмдори Аҳмадшоҳга Россия давлати билан дипломатик алоқаларни ўрнатишни ва Петербургга афғон элчилигини юборишни таклиф қилиши керак эди. Бу шундай бўлсада икки давлат ўртасидаги дастлабки дипломатик алоқалар эди. Аммо, Б.Аслановнинг миссияси кутилган натижани бермайди [4,Б.333].

Россия империяси XIX асрнинг 30-50 йилларида Афғонистон билан тўғридан тўғри алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилади.

XIX асрда «Марказий Осиё масаласи»да Россия ва Англия ўртасидаги ўз таъсирини ўрнатиш борасидаги рақобатлар авж олиши муносабати билан минтақанинг географик тузилиши, аҳолиси, ижтимоий шароити, топографияси катта қизиқишлар объектига айланди.

Иккинчи томондан эса Россия империясининг Кобулдаги биринчи расмий элчиси И.В.Виткевич бу борада фаол иш олиб борди. У Оренбург чегара комиссиясида таржимон бўлиб ишлаган. 1836 йилда Виткевич Перовскийнинг катта адъютанти қилиб тайинланади. У рус ҳукуматининг топшириғи билан 1835–1836 йилларда Бухорода бўлган [5]. У 1836-1837 йилларда Афғон амири элчилари ва Рус ҳукумати билан Санкт-Петербургда ўтган махфий музокараларда таржимонлик қилади. 1837 йилда у Тифлис ва Эрон орқали Афғонистонга дипломатик миссия сифатида жўнатилади ва 1837 йил охирида Кобулга етиб боради [6,Б.45]. У Кобулда афғон амири саройида инглиз дипломатик миссиясига раҳбарлик қилаётган инглиз дипломати ва айғоқчиси Александр Бёрнс билан танишади. У А.Бёрнснинг қаршилигига қарамасдан Россия фойдасига амир Дўст-Муҳаммадшоҳни оғдиришнинг удасидан чиқади. Аммо, Виткевичнинг Кобулдаги муваффақиятли музокаралари Буюк Британия ҳукуматининг босими сабаб тўхтаб қолади. Бахтга қарши инглиз ва рус ҳукумати муносабатларининг кескинлашуви сабаб подшоҳҳукумати Виткевични Кобулдан чақириб олади, натижада унга юклатилган вазифани охиригача бажариш имкони бўлмайди [7,Б.143]. Шундан сўнг тезорада Буюк Британия Афғонистон амири Дўст-Муҳаммадшоҳни тахтдан ағдариш мақсадида биринчи инглиз-афғон урушини бошлайди. Ҳар қандай экспедициянинг замирида сиёсий мақсадлар яширинган бўлади. 1841-1842 йилларда инглиз ҳукуматига қарши кўтарилган кўзғалон натижасида Британия империяси томонидан қуролли йўл билан ўрнатилган кучлар мағлубиятга учрайди. Кобул тахтига 1839 йилда ағдарилган амир Дўст-Муҳаммад қайтади ва 1855 йилда Британия ҳукумати билан тинчлик шартномасига эришади [8,Б.213]. Шу орада рус тадқиқотчиси Н.В.Ха-

ныков илмий изланишлар билан бир қаторда амир Дўст-Муҳаммад билан ҳам дастлабки муносабатларни ўрнатиш мақсадида Хуросон илмий экспедицияси билан Афғонистон заминида бўлади[9,Б.58]. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Н.В.Ханыков Бухорога уюштирилган экспедициянинг фаол иштирокчиси сифатида маълум тажрибага бўлган. Хусусан, 1840-1842 йилларда тоғ инженери ва дипломати К.Ф.Бутенев элчилиги таркибида Бухорога келган ва элчилик саёҳатининг маҳсули сифатида ўзининг асарини нашрдан чиқарган эди[10]. Натижада элчилик иштирокчилари томонидан Бухоро хонлиги бўйича муҳим маълумотларни ўзида акс эттирган қатор нашрлар пайдо бўлди. Экспедиция аъзолари ботаник ва врач профессор А.Бунге (унга ўз талабаси Бинерт ҳамроҳлик қилади), геолог магистр А.Гёбел, Петербург техника институти географи Р.Э.Ленц, капитан Ристори, ҳаваскор сайёҳ сифатида Е.Кейзерлинг, шунингдек экспедицияга топографлар Жаринов ва Петровлар ҳам жалб қилинган эдилар. Бу экспедицияга Ханыковнинг ўзи бошчилик қилади. Экспедиция ишлари бевосита 1858 йил 23 март санасидан Астробод шаҳридан узоқ бўлмаган Ашурадин портидан бошланади. Экспедиция норасмий тарзда 1859 йил 18 июнгача давом этади, сабаби Н.В.Ханыков ва А.Гёбел ўз тадқиқотларини кейинчалик алоҳида олиб борганликлари учун ватанларига шу йили 22 августда қайтишади. Н.В.Ханыков ўз ҳамкасблари билан биргаликда Себзор ва Нишопур орқали Астрободдан Машҳадга ва Ҳиротга боради, шундан сўнг жанубга Сейистонда бўлади. Шунингдек Кермон, Исфохон, Қум шаҳарлари орқали Техронга боради. Экспедиция аъзолари топографик маълумотлар, ботаника, зоология ва геологияга оид коллекциялар тўплайди. Шунингдек, 350 минг кв. км майдон сатҳини, 2 мингдан ортиқ ўсимлик турини, тоғ жисмларини ўрганади. Хуросон экспедицияси тўплаган материалларнинг бир қисмини Н.В.Ханыков биринчи бор Парижда ўтган “географлар жамияти” конференциясида эълон қилади. Н.В.Ханыковдан сўнг экспедициянинг қолган аъзолари, яъни А.Гёбел ва А.Бунге ўзлари тўплаган маълумотларни қайта ишлаган ҳолда аста-секинлик билан турли нашриётларда эълон қилиб боради[11,Б.88].

Россиянинг Болқон масаласида Буюк Британиянинг босими сабаб ва Афғон амири Шер Алихоннинг Тошкентдаги Рус ҳукуматидан Англияга қарши ёрдам сўрашидан фойдаланиб, 1878 йилда расмий равишда Кобулга ўзининг миссиясини юборади. Бу миссияга генерал Н.Г.Столетов бошчилик қилади. У шарқ халқлари маданияти, урф одатлари, расм русумлари, турмуш тарзини ва шунингдек форс тилини яхши эгаллаган эди. Н.Г.Столетов Афғонистон амирини Россия

билан дўстона муносабатларни мустахкамлаш унинг мамлакати учун фойдали эканлигига ишонтириш ва Англия билан бўлиши мумкин бўлган қуролли тўқнашувда ўзаро иттифоқ тузишни таклиф қилиши керак эди.

1878 йил 26 май куни миссия аъзолари Тошкентдан чиқиб, Мозоришариф, Тошқўрғон, Бомийён ва Калу довони орқали 29 июль сана-сида Кобулга етиб келишади. Рус миссиясини Амир илиқ кутиб олади. Ташриф натижасида 11 банддан иборат рус-афғон шартномаси лойиҳаси тайёрланади. Хужжатда Афғонистон алоҳида мустақил давлат сифатида тан олинади. Бундан ташқари, Шер Алихонга Россия унинг давлати ички ишларига, бошқа давлатлар билан бўладиган икки томонлама шартномалар тузишда аралашмаслик кафолатини беради[12].

Миссия натижасида Столетов ва унинг ҳамроҳлари топограф Бендерский босиб ўтган йўлларнинг чизмаларини ва уларнинг батафсил тасвирини яратади.

Кобул шаҳрида 11 кун давомида амир қабулида бўлган Столетов ва доктор Яворский Тошкентга жўнаб кетади. Миссиянинг қолган аъзолари 1879 йилгача ҳукумат тепасига Ёқубхон келгунига қадар Афғонистонда қолишади.

Н.Г.Столетов подшолик ҳукуматига шартнома лойиҳасини олиб келганида аллақачон Берлин тинчлик шартномаси тузилган, Буюк Британия билан уруш хавфи пайдо бўлганди. Подшо ҳукумати инглизлар билан бўладиган муносабатларда янги можароларнинг олдини олиш мақсадида рус-афғон шартномасини тасдиқламайди.

Деярли Столетовнинг 1878 йилдаги миссияси билан бир вақтда полковниклар Матвеев ва Гродековларнинг шимолий Афғонистон сафари бошланади.

1878 йил 17 сентябрда Матвеевнинг экспедицияси Самарқанддан чиқиб кетади. Экспедиция таркиби астроном Шварц, зоолог Русов, пропорщик Торцкий, икки талаба, яна иккита таржимон, отбоқар ва етти казак, жами 17 кишидан иборат эди. Экспедициянинг мақсади Россия чегараларидан Ҳиндистонгача бўлган энг қисқа йўлни тадқиқ этиш ва аниқлаш эди[13]. Самарқанддан чиққан экспедиция Ҳисор орқали Кулоб ва Бадахшон, кейинчалик Кўкча дараси бўйлаб Ҳиндиқушга чиқиши ва Аграм, Хартизак, Нуқсон довонидан Читралгача бориши, уердан экспедиция Дир водийсига тушиши, Кунар дараси бўйлаб Жалолобод орқали Кобулда бўлишлари, у ердан Бомийён орқали ортларига қайтишлари керак эди. Аммо тоғларда ёққан қалин қор барча режаларни ўзгартириб юборди.

Экспедиция 7 ноябрда афғон Бадахшонидаги йирик шаҳар Файзиободда бўлади, сўнгра Қундуз йўлига тушиб, ундан Тошқўрғон ва Мозори Шариф орқали Амударёдан ўтиб Самарқандга қайтади. Саёҳат деярли уч ой давом этиб, анчагина катта тадқиқот ишларини амалга оширади. Экспедиция 1,5 минг чақирим масофа босиб, барча босиб ўтган йўлларининг чизмаларини қоғозга туширади. Шунингдек, аҳоли турар жойларини, улар билан боғлайдиган йўлларни, 96 та тепаликларни, Файзиобод, Рустак, Қундуз, Тошқўрғон, Мозори Шариф шаҳарларининг аниқ жойлашган географик нуқталарини ўрганишади ва бой этнографик маълумотларни ҳам тўплашади [14].

Полковник Н.И.Гродеков 1878 йил сентябрь охирида икки киши ҳамроҳлигида Тошкентдан Самарқандга йўл олади. Октябрь ойи ўрталарида Мозори Шарифга етиб келади. Уерда бир мунча вақт Ҳиротга бориш мақсадида афғон ҳукуматининг рухсатини олиш учун қолиб кетади. У Мозори Шарифдан чиқиб Маймана орқали ноябрь бошларида Ҳиротга етиб келади. Уердан Шекиван ва Розанак қишлоқлари орқали Кохсанга йўл олади ва Эрон Хуросони орқали рус чегараларига қайтади [15].

Афғонистонга уюштирилган сафар натижасида Н.И.Гродеков мамлакатнинг сиёсий аҳволи ҳақида қимматли бўлган маълумотларни тўплайди. Шунингдек, у борган Ҳирот, Маймана, Мозори Шариф ва бошқа шаҳарлар ҳақидаги маълумотлар турли хил характерга эга бўлган ахборотлардан иборат эди. Гродеков бу сафари ҳақида матбуотда берган хабарида ушбу шаҳарларнинг аҳолиси, аҳоли сони, шаҳарларни ўраб турган истеҳкомлар, афғонлар қабилалари, хусусан хазорлар, жамшидлар билан боғлиқ этнографик маълумотлар, Афғонистоннинг шимолий ғарбида яшайдиган халқлар, уларнинг расм-русмлари, урф-одатлари, анъаналари тўғрисида маълумотлар келтиради. У тўплаган маълумотлар ҳозирги кунда ҳам Афғонистонни ўрганадиган тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

1894 йилда рус армияси бош штаби офицери Л.Г.Корнилов Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига разведка ишлари мақсадида сафар қилади. Сафари давомида қимматли бўлган ҳарбий-тактик маълумотлар тўплайди. Л.Г.Корнилов уюштирган экспедиция натижаларининг ҳисоботини Петербург университетига топширади, бу эса кейинчалик сиёсатчилар ва дипломатлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади [16].

Демак, 1885 йилдаги Педин инқироzi ҳалқаро майдондаги кучларга бир муддат сезиларли таъсир қилдики, ўша вақтдаги воқеалар XIX

аср 70-80 йиллардаги ҳалқаро алоқалар ривожига сезиларли таъсири-ни кўрсатди. Натижада Европада икки бир-бирига ўзаро қарама-қарши бўлган Антанта ва Учлар иттифоқи блоклари шаклланди. Оқибатда дунёни қайта бўлиб олиш мақсадида империалистик мамлакатлар ҳали эгалланмаган ҳудудларни забт этишга киришди.

Марказий Осиё муҳим геополитик минтақа ҳисобланиб, Афғонистон бўлса унинг асосий стратегик нуқтасини эгаллаган эди. Лекин бу даврда минтақага икки йирик мустамлакачи давлат тобора яқинлашиб келмоқда эди. Бири шимолдан, бир неча асрлардан бери Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган, бу даврга келиб Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудлари устидан ўз ҳукмронлигини қарор топтириб бўлган Россия бўлса, иккинчиси эса жанубдан, Ҳиндистон субконтинентда ўз устиворлигини ўрнатган ва тизимли равишда шимолга қараб силжиб бораётган Англия эди. Шубҳасиз, бу икки мустамлакачи давлат ҳам янги бозорларга, хом-ашё манбаларига, қолаверса стратегик қулай ҳудудларга эга бўлиш учун минтақани ўз таъсирига олиш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадига эришишга ҳаракат қилишарди. Шу боисдан, бу ўлка борасида инглиз-рус рақобати вужудга келди ва у бутун XIX аср халқаро муносабатлар тизимининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Инглиз-рус муҳолифлиги кейинчалик янги “Катта ўйин” номига эга бўлди.

Ушбу ҳудудда олиб борилган кўплаб тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Афғонистон қадимдан Марказий Осиёни Ҳиндистон ва Эрон билан ўзаро бир-бирига боғлайдиган кўприк вазифасини бажарган. Ушбу омил ҳудуд учун долзарб аҳамият касб этиб, империяларнинг диққатини ўзига жалб этарди. Афғонистонга, айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ва Британиянинг геополитик нуқтаи назардан қизиқиши кучайди. Бунга сабаб сифатида Британия калонияси бўлган Ҳиндистоннинг Афғонистон билан чегарадош эканлиги бўлса, Россия империяси таъсиридаги Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг ҳам Афғонистон шимоли билан қўшни эканлиги эди. Афғонистон минтақаси ер ости ва усти бойликларидан ҳам кўра, унинг муҳим стратегик нуқтада жойлашганлиги ушбу империяларнинг диққат эътиборини тортарди. Шу мақсадда Британия ва Россия ушбу ҳудудни ўрганиш учун кўплаб тадқиқотчиларни жўнатарди. Юборилган тадқиқотчилар мамлакатда турлихил ниқоблар остида ҳаракат қилишган. Уларнинг вазифаси Афғонистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи ҳақида маълумотлар тўплашдан иборат эди. Хусусан, Россия империяси Афғонистонга бир-неча

маротаба ўз ходимларини минтақанинг иқтисодий, сиёсий ҳолатини ўрганиш, карвон йўллари тадқиқ этиш, стратегик жиҳатдан муҳим жойларнинг географик кенгликларини аниқлаш ва шунингдек, ушбу мамлакат ҳукмдорларини Россия билан сиёсий алоқалар ўрнатишга, рус товарлари учун ўз бозорларини очиб қўйишга кўндириш вазифалари билан юборди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Колесников А.А., Хараташвили Г.С. Россия и Афганистан. Миссии. Экспедиции. Путешествия. (Вторая половина XIX – начало XX вв.), – Санкт-Петербург, 2011. – С. 6.
2. Там же. – С. 10.
3. Россия и Афганистан. – М., 1989. – С. 28.
4. Гуломов Х.Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII- первой половине XIX века. – Ташкент, 2005, – 333 с.
5. Записки о Бухарском ханстве. (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича), – Москва: Наука, 1983.
6. Колесников А.А., Хараташвили Г.С. Россия и Афганистан. Миссии. Экспедиции. Путешествия. (Вторая половина XIX – начало XX вв.). – Санкт-Петербург, 2011. – С. 45.
7. Ромодин В.А. Афганистан во второй половине XIX - начале XX века. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – 143 с.
8. Хидояттов Г.А. Британская экспансия в Средней Азии. (Пенде, март 1885 г.). – Ташкент: Фан, 1981. – 213 с.
9. Колесников А.А., Хараташвили Г.С. Россия и Афганистан. Миссии. Экспедиции. Путешествия. (Вторая половина XIX – начало XX вв.), – Санкт-Петербург, 2011. – С. 58.
10. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.
11. Россия и Афганистан. – М., 1989. – С. 88.
12. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 гг. Т.1-2. – СПб., 1882-1883.
13. Матвеев — Поездка Генерального Штаба полковника Матвеева по Бухарским и Афганским владениям в феврале 1877 года. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – Вып. 5. – СПб., 1883.
14. Гродеков Н.И. Через Афганистан. Путевые заметки. – СПб., 1880.
15. Гродеков Н.И. Поездка Генерального Штаба полковника Гроде-

кова из Самарканда через Герат и Афганистан (1878 г.) // СМА. – Вып. 5. –СПб., 1883.

16. Терентьев М.А.История завоевания Средней Азии. Т. 1, – СПб., 1906.

17. Бернс А. Путешествие в Бухару, Ч, 1-3. – М., 1848-1849.

18. Бернс А. Кабул – путевые записки сэра Александра Бернса в 1836, 1837 и 1838 годах. Ч. 1. – М., 1847.

19. Burnes A. Cabool: a personal narrative of journey to and residence in that city, in the years 1836, 7 and 8. – L., 1843.